

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.11120186>

## ҚАЙРОҚНИ БУЛБУЛДЕК САЙРАТГАН ЎГИЛЖОН

(Ўғилжон қайроқчи)

**Аманбаева Минавархан Рустамовна**

Ўзбекистон давлат хореография академияси

Урганч филиали “Лазги” бўлими катта илмий ходими

**Аннотация:** Мазкур мақолада Хоразм “Лазгиси”нинг пайдо бўлиши, Хоразмнинг машхур “Қайроқ Лазги”си ва унинг ижрочилари, “Қайроқ Лазги” ижро услублари ва моҳир ижрочилари, Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириши борасида олиб борилаётган ислохатлар ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилган.

**Калит сўзлар:** Миллий рақс санъати, “Лазги”, “Қайроқ Лазги”, қайроқ тош, метал пластинка.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается возникновение хорезмийского «Лазгиси», знаменитого хорезмийского «Кайрог лазги» и его исполнителей, стили исполнения «Кайрог лазги» и искусных исполнителей, а также реформы, проводимые в развитии национального танцевально-хореографического искусства. в Узбекистане.

**Ключевые слова:** национальное танцевальное искусство, «Лазги», «Кайрог лазги», камень кайрог, металлическая пластина.

**Abstract:** This article discusses the emergence of Khorezm "Lazgisi", the famous "Qayroq Lazgi" of Khorezm and its performers, "Qayroq Lazgi" performance styles and skilled performers, and the reforms being carried out in the development of national dance and choreography art in Uzbekistan.

**Key words:** National dance art, "Lazgi", "Qayroq Lazgi", qayrog stone, metal plate.

Тарихдан маълумки, “Лазги” рақси Хоразм воҳасида рўй берган кўплаб урушлар, ижтимоий ларзалар, ўзгаришлар ва табиий фалокатларга қарамасдан, минглаб йиллар давомида ўз жозибасини йўқотмасдан, янада жилоланиб, сайқалланиб, сақланиб келинаётган маданий меросимиздир.

Ушбу рақс тарихи асотиру афсоналарга ўралиб-чирмалган ва бу уни янада сеҳрли, сержило ва сержумбоқ қилади. Ривоят қиладиларки, бундан неча миллион йиллар муқаддам инсон жисмини тупроқдан яратган Олий зот танага жон бағишлашни ихтиёр этибди. Жонга буюрибдиким, танага кир! Бу амр такрор айтилибди ҳамки жондан садо бўлмабди. Ногаҳонда илоҳий бир куй таралган экан, жон танага қандай кирганини сезмай қолибди. Инсон вужуди ана шундан бошлаб мусиқага пайванд бўлибди. Мусика эса танага роҳат бахш этиб, жонни чунонам яйратибдики, то хануз мусиқа таралганида одамзод қалби илоҳий қудратга тўлар эмиш. То хануз бу қудрат кўнгилларни тириклик дунёсига етаклар экан, оҳанглар қанотида тириклик садоси хилпираб тураркан. Инсон қалбининг энг нафис туйғуларидан оҳанг яралганда дунё янада мунаввар тортади. Ана шу нафис туйғулар оҳанглар замирига сингдирилганда кўнгил йўлдошимиз бўлган мусиқа билан ошно тутинамиз.

Инсон танасига жон ато этилишидаги бу ривоят Хоразмнинг машҳур “Лазги” рақсининг пайдо бўлиш тарихи билан ҳам боғлиқ. Демакки нафақат “Лазги” рақсини пайдо бўлиши, балки инсониятнинг яратилиши ва уни тириклик дунёсига етаклашида, куй, мусиқа илоҳий кучга эга эканлигига амин бўлади одамзод.

Манбааларда бугунги кунгача “Лазги” рақсининг тўққизга яқин тури етиб келган. Қайроқ тошларнинг бир-бирига урилишидан ҳосил бўлган мусиқага тушиладиган “Қайроқ лазги” тарихи Тош даврига бориб тақалиши айтилади. Хоразмда “Лазги” нинг турли хиллари мавжуд бўлиб, энг қадимчилари “Сурнай Лазги”, “Дутор Лазги”, “Қайроқ Лазги”лари ҳисобланади. Улардан кейинчилари “Чангак Лазги”, “Гармон Лазги”, “Бодя (товоқ) Лазги” ва бошқаларидир.

**“Қайроқ лазгиси”нинг** номи эса бир-бирига урилишидан овоз чиқадиган қайроқтошдан олинган бўлиб, ушбу асбоб икки қисм – силлиқланган тош ва юпқа металлдан ишланган пластинка – тобоқчадан иборат. У раққослар учун ажойиб кўшимча ва ритмик – маъром жўрлигини беради. Қайроқлар рақсининг ёрқин ритмик тузилмасини кўллаб туриши баробарида атроф муҳит, масалан, сайроқи қушлар товушларига тақлид қилишда ҳам ёрдам беради<sup>1</sup>

Қайроқ рақси фақат Хоразмга хос бўлиб, рақсининг бу тури ўзга юртда йўқдир. Қайроқни фақат хоразмликлар чалиб билади. Қайроқ чалишни ўрганиш ҳам ўта қийин. Биринчидан, тош билан темирнинг ўлчами кўлга мос бўлиши керак. Қайроқ тошини топиш ўта қийин. Қайроқнинг тоши йиллар давомида сув остида 100 йиллар, балки ундан ҳам кўп дарёлар бағрида ётган ювилган тош

<sup>1</sup> Г.Матяқубова. Ш.Эшчонова “Лазги” китоби 2017 йил

бўлиши керак. Табиий тош. Уни усталар йўниб ишлов бериб ҳам қайроқ ахволига келтира олмайди. Буни қилиш мумкин, аммо товуши беўхшов чиқади.

Қайроқ – сувларнинг шилдираши, қушларнинг сайраши, ёмғир томчилари, майин сабо эсиши, булбулларнинг ноласига ўхшаш табиий оҳанг чиқармаса бу қайроқ ҳисобланмайди. Шунинг учун бу қайроқ рақсини устозлари кам ва шогирдлари ҳам йўқ ҳисоби.

Шунинг учун ҳам санъат тарихида бундай устозларни ўз номи билан Шомми қайроқ, Жумми қайроқ, Тожи қайроқ деб ўз номи билан айтганлар. Ҳар даврнинг ўзини қайроқчиси бўлган. Шомми Қайроқ-1917 йилда туғилган 1985 вафот этган. Жуманиез Ишчанов- Жумми қайроқ 1941 йил туғилган, узоқ йиллар вилоят мусиқали театрида ишлаган ва 2001 вафот этган. Тожибой Жуматов - Тожи Қайроқ-1959 йил туғилган. К. Отаниёзов номидаги Ўзбекистон давлат филармонияси Хоразм вилояти бўлимида фаолият юритган ва 1996 йил вафот этган шундан кейин қайроқ чаладиганлар уста қайроқчи раққослар бўлмаган.

Ўзбекистон давлат филармонияси Хоразм вилояти бўлинмасининг қайроқчи раққоси Отабек Рузметовни XXI -асрнинг ҳақиқий профессионал қайроқ устаси сифатида нафақат Хоразм, балки бутун Ўзбекистон Хоразм эркаклар рақсларининг моҳир ижрочиси, ҳам кўшиқчи, доирачи, овоз оператори, асосийси қайроқ рақсини моҳир бетакрор ижрочиси, Ўзбекистонда ягона қайроқ уйинларининг ижрочи устози ва эгаси сифатида яхши танийди.

Хоразмда қадимдан санъатни севмаган, унинг бирор бир соҳасини эгалламаган киши бўлмаган. Ана шундай санъатсевар халқ орасида “Ўғилжон қайроқчи” номи билан машҳур бўлган, Хоразм рақсларини, айниқса, “Қайроқ лазгиси”ни моҳир ижрочиси бўлган Ўғилжон Атабаева 1948 йил 21 мартда Хоразм вилоятининг Урганч шаҳридаги Кўҳна қалъа маҳалласида ишчи оиласида дунёга келган. Отаси Полвон Машарипов дон маҳсулотлари омборхонасида омборхона мудирини бўлиб ишлаган. Онаси Атабаева Ўринпошшо уй бекаси бўлган.

1955 йилда Урганч шаҳридаги ҳозирги 5-сонли умумий ўрта таълим мактабида устоз санъаткорлар Ўзбекистон халқ артисти, профессор Гавҳар Матяқубова, моҳир мусиқачи Мадрим Неъматов, Полвонназир Абдаловлар билан бир синфда таҳсил олган.

Рақс санъатига меҳри баланд бўлган Ўғилжон Атабаева 6 ёшидан рақс тушишни бошлаган ва ўзи таҳсил олган мактабдаги рақс тўғараргига қатнашиб, ўз иқтидорини тенгдошлари орасида намоёни қила бошлаган. У 9 ёшидан бошлаб Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақолпоғистон халқ артисти, даҳо санъаткор, хонанда, бастакор, созанда Комилжон Отаниязов, буюк ҳофиз Ўзбекистон халқ артисти Хожихон Болтаев, Ўзбекистон, Туркманистон,

Қорақолпоғистон халқ артисти Отажон Худойшукуров, Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақолпоғистон халқ артисти Ортиқ Отажонов, Ўзбекистон, Туркманистон халқ артисти Бобомурод Хамдамов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Бекчон Отажонов, Шермат Файзуллаевлар, эл суйган хонанда Шариф Болтаевлар каби Хоразмнинг буюк санъаткорлари билан халқ хизматида бўлиб, тўйларда, байрам сайлларида ўзининг мафтункор рақслари билан эл олқишига сазовор бўлган.

1959 йилда Урганч педагогика институти (ҳозирда Урганч давлат университети)нинг тарих факультетига ўқишга кириб, 1963-йилда тамомлаган.

1963 йилда Урганч шаҳридаги маданият уйида раққоса сифатида иш фаолиятини бошлаган.

1963-1965 йилларда Хоразм вилояти мусиқали драма театрида балет артисти бўлиб ишлаган.

1965 йилда устоз санъаткор Комилжон Отаниязов гўзал ва жозибадор рақслар ижросиси ва қайроқни худди беданадек сайратиб ўйнатган Ўғилжон Атабаевани санъатига юксак баҳо бериб, Тошкентдаги “Лазги” ансамблига ишга таклиф қилган ва пойтахтга олиб кетган.

1972-йилда Ўзбекистон телерадиокомпанияси томонидан ташкил этилган “Марҳабо талантлар” телевизион фестивалда қатнашиб, фестивал лауреати бўлган.

Тошкентда “Лазги ансамблида” ишлаб, яна Хоразмга қайтиб келган Ўғилжон Атабаева 1990 йилгача Хонқа туманидаги “Сарапаён гуллари”, Урганч туманидаги аввалги Наримонов номли жамоа хўжалигида ташкил қилинган ансамбль, Қўшқўпир туманидаги “Қалдирғоч” ашула ва рақс ансамблларида, 1990-1992 йилларда Урганч педагогика институти (ҳозирда Урганч давлат университети) да ташкил қилинган ашула ва рақс ансамблида балетмейстр бўлиб фаолият юритган.

Ўғилжон Атабаева ижодига назар ташлар эканмиз, шу ўринда Ўзбекистон халқ артисти, профессор, рақс санъатининг илмий тадқиқотчиси Гавҳар Матякубованинг 1993 йилда чоп этилган “Офатихон лазги” китобида келтирилган қайроқ асбобини пайдо бўлиши тўрисидаги фикрларига эътиборингизни қаратмоқчиман.

“Табиатда турфа оҳанглар инсон қалбида туғён уйғотди. Инсон бу туғённи ифода этишни истаб қолди. Туғённи ичидан чиқариш учун восита кидирди. Қалбидаги туғёнга мос оҳанг топиш учун тошларни бир-бирига урди, темирни бир-бирига уриб кўрди, гоҳо тош билан темирни уриштириб кўрди, охири

кўнглига мос асбоб топди. Бир парча силлиқ тош ва темир-қайроқ тилга кирди ва жўш уриб куйлай бошлади<sup>1</sup>”

Хоразмда ўзига хос бетакрор санъат бўлган машҳур қайроқ рақсини дастлаб XX-асрнинг бошларида яшаб ижод қилган санъаткорлар Машариф Тўқай, Буважон қайроқ, Рейим ота Оллоберганов ва Солай ота каби қайроқ рақсининг моҳир усталари ижро этганлар. Кейинчалик уларнинг издошлари Яхшимурод Ашуров, Сотимбой Отажонов, Тожибой Жуматов, Олия Отамуротова, Саодат (Саодат сиймоб) қайроқчи, Норжон қайроқчи, Санам қайроқчилар қойилмақом қилиб ижро қилганлар. Ўзбекистон халқ артистлари Мукаррама Тургунбоева, Халима Носирова ва Қундуз Миркаримовалар ушбу қайроқ рақсини биринчи марта томоша қилишиб, уларнинг бу санъатига қойил қолишган. Хоразм рақс санъатининг қайроқ ўйинига тан беришган.

Ўз даврининг қайроқ рақси устаси бўлган Ўғилжон Атабаева ҳам қайроқ чалиш сирларини илк устози, “Қайроқчиларнинг пири” деб ном олган Райим Оллобергановдан ўрганган. Гўзал ва жозибадор, ўзига хос услубга эга рақсларни ижро этиш сирларини эса устозлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ровия Отажонова, Зайнура Гаффаровалар, қайроқчи Жуманиёз Эшчонов, Розия Муротова ва Пўлат Рахмоновлардан ўрганган.

У ўзининг “Қайроқ яллasi”, “Уфори наво”, “Норим-норим” каби бетакрор рақслари, қайроқ ўйинлари билан устоз қайроқчилар Саодат сиймоб, Норжон, Санам, Райим ва Жуманиёз оталарнинг қайроқ санъатларини давом эттириб, эл орасида “Ўғил қайроқчи” деб доврўғ қозонган, Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Тургунбоевадан ўрганган “Муножот” ва “Тановор” каби ўзбек миллий рақсларини маромига етказиб ижро этиши билан эл олқишига сазовор бўлган бетакрор санъаткордир.

Рақс санъати ихлосмандлари қалбидан жой олган мафтункор рақслар ижрочиси Ўғилжон Атабаевани Хоразм халқи ҳали хануз “Ўғилжон қайроқчи” номи билан эслайди ва қадрлайди.

Ўғилжон Атабаева 1992-йилдан то нафақага чиққунга қадар Урганч туманидаги 39-сонли ҳунар техника билим юртида тарих фанидан ўқитувчи ва тарбиячи бўлиб ишлаган.

Ўғилжон Атабаеванинг оилада бир нафар фарзанди бор. 1978 йилда туғилган фарзанди Бахтиёр Атабаев ҳам санъаткор. Бахтиёр ҳозирги кунда Хоразм вилояти мусикали драма театрида оркестр созандаси бўлиб фаолият юритади. Ўғилжон Атабаева ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги юкорида

<sup>1</sup> Г.Матяқубова. “Офатихон лазги” китоби. 1993 йил Ғ.Ғулом нашриёти 22 бет

келтирилган маълумотлар билан ҳам унинг фарзанди Бахтиёр Атабаев билан суҳбат жараёнида танишишга муваффақ бўлдик.

Уч нафар набираларнинг бувиси Ўғилжон Атабаева 2013 йил 10-февралда Урганч туманида вафот этган.

Хоразм халқи бетакрор санъаткор, истеъдодли, моҳир ижрочи Ўғилжон Атабаевани Хоразм рақс санъатининг дурдоналаридан бири бўлган, мангуликка дахлдор рақс - “Қайроқ лазгиси” ни моҳир ижрочиси ва йиллар оша бу санъат турини ривожланишида, такомиллашишида, “Лазги” рақсини тарихи ва ижро услубларини бугунги кун авлодларига ўзининг барча жозибадорлиги билан етказиб берилишида ўз ҳиссасини қўшган раққоса сифатида эслайди ва қадрлайди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021
2. Г.Матякубова. Ш.Эшчонова 2017 йил “Лазги” китоби
3. Г.Матякубова. 1993 йил Ғ.Ғулом нашриёти. “Офатижон лазги” китоби 22 бет
4. Е.У. Сайтова, Н.Е. Абрайкулова. “Хореография ва рақс санъати асослари” китоби 2020